

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/.30.01.2021.Ped.02.06 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ

ПИРНАЗАРОВ ҒУЛОМЖОН НУРБОБОЕВИЧ

**ТАЛАБА-ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ
ОШИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
(ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ
ИШЛАР ТИЗИМИ МИСОЛИДА)**

13.00.01 - Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Пирназаров Гуломжон Нурбобоевич

Талаба-ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишнинг замонавий
технологиялари (олий таълим муассасалари маънавий-маърифий ишлар
тизимини мисолида) 3

Пирназаров Гуломжон Нурбобоевич

Современные технологии повышения правовой культуры студенческой
молодёжи (на примере системы духовно-просветительской работы высших
образовательных учреждений)..... 21

Pirnazarov G‘ulomjon Nurboboevich

Modern technologies for enhancing the legal culture of student youth (using the
example of the system of spiritual and educational work of higher educational
institutions) 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ 45
List of published works 45

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/.30.01.2021.Ped.02.06 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ

ПИРНАЗАРОВ ҒУЛОМЖОН НУРБОБОЕВИЧ

**ТАЛАБА-ЎШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ
ОШИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
(ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ
ИШЛАР ТИЗИМИ МИСОЛИДА)**

13.00.01 - Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3. PhD/ Ped277 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика Маънавият ва маърифат марказида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб саҳифасидар (www.samdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Куронов Махаммад
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Олимов Ширинбой Шаропович
педагогика фанлари доктори, профессор

Аскарлов Абдор Давлатмирзаевич
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент


Етакчи ташкилот: Навоий давлат педагогика институти


Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги
PhD.03/30.01.2021.Ped.02.06 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «9» август
соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет
ҳиёбони, 15-уй. Тел.: (0366)239-12-29, факс: (0366) 239-13-87, e-mail: kengash-pf@samdu.uz).


Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида
танишиш мумкин (38-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри,
Университет ҳиёбони, 15-уй. Тел.: (0366)239-12-29, факс: (0366) 239-13-87).

Диссертация автореферати 2021 йил «28» июль да тарқатилди.
(2021 йил «28» июль даги 3-рақамли реестр баённомаси)




Х.Ибраимов
Илмий даражалар берувчи
Илмий Кенгаш раиси,
педагогика фанлари доктори, профессор


Ш.Р.Ураков
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби,
фалсафа доктори (PhD) пед. ф. б.


Н.Ш.Шодиев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
педагогика фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида глобаллашув, рақобат ва ижтимоий-ҳуқуқий низоларнинг мутациялашиб бориши оқибатида ўз ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда мажбуриятларини яхши билувчи, юксак ҳуқуқий маданият, фаол фуқаролик позициясига эга, шунингдек ўз мажбуриятларига виждонан ёндашадиган мутахассислар тайёрлаш устувор вазифа сифатида илгари сурилмоқда. Ривожланган давлатлар олий таълим муассасаларида талаба-ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган эътибор ҳуқуқий-педагогик таълим ва маънавий-маърифий ишлар жараёнида замонавий технологиялардан самарали фойдаланишга жиддий эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Жаҳон илм-фанида аҳоли, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган илмий-назарий ва фундаментал тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, ҳуқуқий маданиятнинг методологик асослари, педагогик таъсирчан усул, шакл ва омилларини таҳлил этиш, шунингдек, ҳуқуқий онгни шакллантириш ва ҳуқуқий хабардорликни оширишнинг таъсирчан механизмлари, мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг илмий масалаларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан биргаликда илғор хорижий тажрибаларга таяниб, маънавий-маърифий ишлар ривожини фан ва технология ютуқлари билан ҳамоҳанг тарзда илмий таҳлил қилиш, айниқса, талаба-ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишнинг замонавий технологиясини такомиллаштиришга қаратилган илмий изланишлар олиб бориш зарурати юзага келмоқда.

Мамлакатимизда аҳолининг 60 фоиздан ортиғи ёшлар эканлигидан келиб чиқиб, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш ва уларнинг манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга доир қатор мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Концепциясида “жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, таълим-тарбиянинг тизимли ва узвий равишда олиб борилишига алоҳида эътибор қаратиш, мактабгача таълим тизимидан бошлаб, аҳолининг барча қатламларига ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни сингдириш, **шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини тарғиб қилиш**”¹ каби муҳим вазифалар белгиланди. Бу эса олий таълим муассасалари талаба-ёшларининг ҳуқуқий маданиятини оширишда маънавий-маърифий ишларнинг янги, замонавий таъсирчан технологияларини ишлаб чиқиш, модернизациялаштириш ва такомиллаштириш механизмларини илмий-назарий тадқиқ этишни талаб қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сон “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сонли “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони.

тубдан такомиллаштириш тўғрисида” фармонлари, 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”, 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 17 сентябрдаги 736-сон “Таълим тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ва 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Педагог олимлардан З.Азимова, Г.Ибрагимова, З.Хожагелдиева, З.Қосимова, З.Солиева, З.Исмоилова, М.Қурононов, Н.Эгамбердиева, О.Мусурмонова, Ш.Қурбонов, М.Маҳмутова, Б.Ходжаев, Х.Ибрагимов, Ш.Абдуллаева, Ш.Акрамова, Қ.Шоназаровлар тадқиқотларида ўқувчи, талаба ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, уларда комил инсонга хос маънавий маданиятни, мафкуравий иммунитетни шакллантириш, олий таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнлари самарадорлигини оширишнинг илмий масалалари тадқиқ этилган.

Масаланинг ҳуқуқий-фалсафий йўналиши бўйича С.Абдухаликов, Ш.О.Мамадалиев, К.В.Джавакова, Ф.А.Мусаев, Ф.Х.Қўчқарова, Т.Ш.Нуриддинова, Х.Н.Тўйчиева, О.Базаров, Ж.Ж.Яхшилик ва бошқалар томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг айрим жиҳатлари ҳуқуқшунос олимлардан Э.Абзалов, Н.Вахобов, Д.Дехқонова, Х.Закиров, З.Исломов, И.Кудрявцев, З.Мадалиева, Х.Маматов, О.Насриддинова, Х.Одилқориев, Ё.Садиқова, У.Тожиқонов, Э.Қодиров, Р.Турдибоева, А.Хамраев, Ш.Якубов томонидан ўрганилган.

Муаммо, шунингдек, хорижлик ҳуқуқшунос олимлардан Е.Аграновская, Р.Байниязов, Н.Вопленко, О.Демко, Ю.Дмитриев, Н.Кейзеров, А.Малько, Н.Матузов, В.Сальников, А. Вейл, Д. Истон, Дж. Деннис, С.Палонский, Дж. Пиаже, Дж.Кевин, Дж.Торни-Пурта, С.Стевенсон, Л.Матвеев, Г.Матвеев ва бошқаларнинг илмий ишларида ўрганилган.

Муаммога доир илмий ишлар таҳлили шуни кўрсатадики, мазкур ишларда талаба-ёшларни ҳуқуқий маданиятини оширишда маънавий-маърифий ишлар фаолиятини самарали ташкил этишга йўналтирилган

тарбиявий вазифаларини лойиҳалаш, замонавий технологияларни қўллаш ва уларнинг ҳуқуқий маданияти шахснинг компетенцияси сифатида ижтимоий-педагогик тадқиқ этилмаганлиги мазкур йўналишда илмий изланишлар олиб бориш зарурлигини белгилаб беради.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика Маънавият ва маърифат маркази илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 2016-2019 йилларга мўлжалланган №ПЗ-20170930383 “Жамиятда айниқса ёшларда фуқаролик позицияси ва уларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишнинг ғоявий-мафкуравий механизмларини такомиллаштириш” мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади олий таълим муассасалари маънавий-маърифий ишлар тизимида талаба-ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда замонавий технологияларидан самарали фойдаланиш, уларни модернизациялаш ва модификациялаш асосида замонавий педагогик технологияларни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

олий таълим муассасаларида талаба-ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиялаш технологиясининг “ҳуқуқий билим”, “муносабат”, “ҳуқуқий маданият” даражаларига “ижтимоий компетенция” даражасини киритиш орқали ҳуқуқий маданият пирамидасини асослаш;

талаба-ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишнинг маънавий-маърифий технологияларини ишлаб чиқиш ва маънавий-маърифий технологик моделини такомиллаштириш;

дунёнинг ривожланган давлатлари тажрибасида синовдан ўтган интерактив ҳуқуқий-педагогик технологиялар “legal clinic, “Street law, НМВ асосида талаба-ёшлар ҳуқуқий маданиятини оширишни модернизациялаштириш шарт-шароитларини асослаш;

талаба-ёшлар ҳуқуқий маданиятини оширишда “pro bono” (малакали волонтерлик) ўрни ва имкониятларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида олий таълим муассасалари маънавий-маърифий ишлари тизимида талаба-ёшлар ҳуқуқий маданиятини ошириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институти ва Низомий номидаги Тошкент давлат педгогика университетларининг 480 нафар респондент-талабалари жалб этилган.

Тадқиқотнинг предметини олий таълим маънавий-маърифий ишлар тизимида талаба-ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишнинг мазмун, шакл, восита услуб ва методлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда назарий (таҳлилий-статистик, қиёсий-таққослаш, аналогия, моделлаштириш), диагностик (сўровлар, суҳбат, сўровнома, кузатиш, лойиҳалаштирилган методикалар), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш), педагогик эксперимент ва математик-статистик (маълумотларни статистик қайта ишлаш, натижаларни график тасвирлаш ва бошқалар) каби методлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасаларида талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш технологиясининг “ҳуқуқий билим”, “муносабат”, “ҳуқуқий маданият”га асосланган ҳуқуқий маданият пирамидаси “ижтимоий компетенция” даражасини киритиш орқали такомиллаштирилган;

маънавий-маърифий жараёнларни технологик такомиллаштиришга йўналтирилган “Ҳуқуқий маданият - келажакка йўл” комплекс маърифий дастури дидактик мазмунга мос ижтимоий-педагогик ва кадриятли ёндашув тамойилларини (бағрикенглик, қизиқарлилиқ, ихтиёрийлик, ёш ва индивидуал хусусият, илмийлик, очиқлик) киритиш асосида ишлаб чиқилган;

“Legal clinic” (Юридик клиника), “Street law” (Жонли ҳуқуқ), НМҲ (Ҳуқуқий маданият волонтерлари) ҳуқуқий-педагогик технологиялар маънавий-маърифий тадбирлар орқали талаба-ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ментал хусусиятларига кўра ривожлантириш функцияларини (мунтазамлилик, кафолатланганлик, муҳокама, ижобий таъсир) белгилаш асосида модификациялаштирилган;

ёшлар ҳуқуқий волонтерлигининг талаба-ёшлар ҳуқуқий маданиятини оширишдаги имкониятлари (интеллектуал, тарбияни баҳолаш, иродавий элемент) ижтимоий ҳамкорлик йўналишлари (“мақсадли тарғибот”, “манзилли тарғибот”, “ёш истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш”, “индивидуал профилактика”) мазмунини ишлаб чиқиш асосида ривожлантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

талабалар ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган маънавий-маърифий технологиялар аниқланиб, бу борадаги ишларни модернизациялаш принциплари ишлаб чиқилган;

замонавий ахборот технологиялари асосида маънавий-маърифий тарғибот ишларининг ҳуқуқий маданият тарбиясидаги самарадорлигини оширишга йўналтирилган “Ҳуқуқий маданият - келажакка йўл” номли комплекс маърифий дастур ишлаб чиқилган;

талабалар ҳуқуқий маданиятини маънавий-маърифий технологиялар орқали оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар асосида дунёнинг ривожланган давлатлари тажрибасида синовдан ўтган “legal clinic”, “Street law”, НМҲ каби интерактив ҳуқуқий-педагогик технологиялар жорий қилинган;

талабалар ҳуқуқий маданиятини оширишда маънавий-маърифий ишлар тизимининг педагогик имкониятлари такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги олий таълим маънавий-маърифий ишларида талаба-ёшлар ҳуқуқий маданиятини оширишнинг замонавий технологияларни такомиллаштиришга доир илмий-назарий ёндашувлар, қарашлар ва ғоялар, илғор хорижий тажрибалар, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот усуллари, методик таъминот амалиётга жорий этилганлиги, тажриба-синов ишлари репрезентативлиги, математик-статистик таҳлил тадқиқот самарадорлигини тасдиқлаганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олий таълим муассасалари талаба-ёшлари

ҳуқуқий маданиятини оширишнинг тарихий, хорижий усуллари ва механизмини аниқлаш имконини берганлиги ҳамда дунёнинг ривожланган давлатлари тажрибасида синовдан ўтган интерактив ҳуқуқий-педагогик технологиялар асосида талаба-ёшлар ҳуқуқий маданиятини ошириш жараёнини модернизациялаштириш учун зарур шарт-шароитлар илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти талаба-ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишнинг модели ва маънавий-маърифий ишларда ролли ўйин технологияларини такомиллаштирилганлиги, талаба-ёшлар ҳуқуқий маданиятини оширишда замонавий интерактив ҳуқуқий-педагогик технологияларни “legal clinic, “Street law”, НМV каби ментал хусусиятларимизга модификациялаш орқали модернизациялаштириш шарт-шароитлари ҳамда “Ҳуқуқий маданият – келажакка йўл” комплекс маърифий дастури ишлаб чиқилганлиги ва ушбу дастурдан маънавий-маърифий ишлар дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

IV. Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Талаба-ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш юзасидан ишлаб чиқилган илмий-амалий таклифлар асосида:

маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишнинг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш, ҳуқуқий маданиятнинг педагогик моҳиятини ифодаловчи ижтимоий компетенция пирамидаси таркиби, ёшлар ҳуқуқий волонтерлигининг талаба-ёшлар ҳуқуқий маданиятини оширишдаги имкониятларини такомиллаштириш, ёш ҳуқуқшунослар тўғарақларига доир таклиф ва тавсиялардан Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2021 йил 17 февралдаги 03/02-192-сонли маълумотномаси). Натижада мазкур тизимда талаба-ёшларни ҳуқуқий маданиятни ошириш билан боғлиқ ишлар жараёни илмий-амалий манбалар билан бойитишга хизмат қилган;

маънавий-маърифий жараёнларни технологик такомиллаштиришга йўналтирилган “Ҳуқуқий маданият - келажакка йўл” комплекс маърифий дастури, дидактик мазмунга мос ижтимоий-педагогик ва кадриятли ёндашув тамойиллари (бағрикенглик, қизиқарлилик, ихтиёрийлик, ёш ва индивидуал хусусият, илмийлик, очиклик)га оид таклифлардан 2015-2017 йилларга мўлжалланган А-1-37 “Инсон капиталини ривожлантиришда миллий ва умуминсоний кадриятларнинг ўрни ва ролининг ижтимоий-педагогик жиҳатларини илмий-амалий тадқиқ этиш” мавзусидаги амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 11 февралдаги 89-03-857-сон маълумотномаси). Натижалар соҳа вакилларига талаба-ёшларда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ишларининг илмий-методик таъминотини кучайтиришга хизмат қилган;

“Legal clinic”(Юридик клиника), “Street law”(Жонли ҳуқуқ), НМV(Ҳуқуқий маданият волонтерлари) ҳуқуқий-педагогик технологияларни такомиллаштириш, маънавий-маърифий тадбирлар орқали талаба-ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ментал хусусиятларига кўра ривожлантириш

функцияларини (мунтазамлилик, кафолатланганлик, муҳокама, ижобий таъсир) белгилашга оид таклифлари ПЗ-20170930383-“Жамиятда, айниқса, ёшларда фуқаролик позицияси ва уларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишнинг ғоявий-мафкуравий механизмларини такомиллаштириш” мавзусидаги фундаментал лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 11 февралдаги 89-03-857-сон маълумотномаси). Ушбу натижаларнинг жорий қилиниши олий таълим муассасаларида талаба-ёшлар ўртасида олиб бориладиган маънавий-ахлоқий, тарбиявий ишларнинг ҳуқуқий тарғибот йўналишини янада такомиллаштиришга хизмат қилган.

Ушбу натижаларнинг жорий қилиниши олий таълим муассасаларида талаба-ёшлар ўртасида олиб бориладиган маънавий-ахлоқий, тарбиявий ишларнинг ҳуқуқий тарғибот йўналишини янада такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 17 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий-услубий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 6 та республика ва 1 та хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар ва иловадан иборат. Тадқиқотнинг ҳажми 127 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

“Кириш” қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати ҳамда республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси очиқ берилган; диссертация тадқиқотининг олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан алоқадорлиги баён қилинган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, шунингдек объекти, предмети ва методлари таърифланган; тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, олинган натижаларнинг ишончлилиги, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг жорий этилиши ва уларнинг апробацияси баён қилинган. Шунингдек, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Талаба-ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишнинг методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида Ўзбекистонда ёшлар ҳуқуқий маданиятини оширишнинг тарихий-маърифий негизлари, фуқаролик жамиятини барпо этишда ёшлар ҳуқуқий маданиятини оширишнинг илмий-назарий асослари ҳамда “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Концепцияси”ни ёшлар ҳуқуқий маданиятини оширишнинг ижтимоий-сиёсий асоси сифатидаги роли ва ўрни очиқ берилган.

Ҳуқуқий маданият педагогик ҳодиса сифатида билим, кўникма, малака ва компетенция сифатида намоён бўлади. Шу боис, ислохотлар даврида у педагогик ва маънавий-маърифий моҳиятга ҳам эгадир. “Маданият” тушунчасига мутахассислар томонидан берилган таърифлар негизида унга хос ижтимоий педагогик жиҳатлар намоён бўлади. Чунки биринчидан, маданиятда жамиятдаги инсоннинг кўп қиррали меҳнат фаолияти натижалари ўз аксини топган бўлади; иккинчидан, маданият ўзида инсон тафаккурининг самараларини акс эттиради; учинчидан, маданиятнинг моҳиятан маънавий, яъни инсоният эришган натижалар репродукцияси ва ривожига қаратилган тарбия маҳсули эканлиги ва ҳар бир инсонга хослиги туфайли педагогик эътиборга моликдир.

Ўтказилган таҳлиллар олий таълим тизимида талабаларда ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришга йўналтирилган маънавий-маърифий ишларни ташкил қилиш жараёнида бир қатор технологик муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда. Булар:

- 1) маънавий-маърифий тадбирлар айрим ҳолларда аниқ асосланган ҳуқуқий-тарбиявий мақсадга йўналтирилмасдан ўтказилаётганлиги;
- 2) маънавият ва маърифат бўлимлари мутасаддиларининг бу борадаги ҳуқуқий-педагогик малакасининг талаб даражасида эмаслиги;
- 3) режалаштирилаётган тадбирларнинг ҳуқуқ-тарғибот муассасалари билан ўзаро манфаатли, тизимли ҳамкорлик асосда ташкил этилмаётганлиги;
- 4) талабаларнинг ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришга қаратилган тадбирларнинг қамров кўлами пастлиги;
- 5) ўтказилаётган тадбирларда замонавий маънавий-маърифий технологиялардан фойдаланиш даражаси пастлиги.

Ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришга қаратилган тадбирларни белгилаш ва ўтказишда талабаларнинг бўлажак мутахассисликларини белгиловчи соҳа хусусиятларидан, кейс технологияларидан фойдаланилмаслиги намоён бўлмоқда.

Диссертациянинг **“Талаба-ёшларда ҳуқуқий маданиятни оширишнинг ижтимоий педагогик йўналишлари”** деб номланган иккинчи бобида талаба ёшлар ҳуқуқий маданияти жамият ҳуқуқий маданиятининг таркибий қисми сифатида талқин қилиниб, талаба-ёшларда ҳуқуқий маданиятни оширишнинг ижтимоий-педагогик хусусиятлари ҳамда олий таълим муассасаси маънавий-маърифий ишлар тизимининг талаба ёшларда ҳуқуқий маданиятни ошириш имкониятлари тадқиқ қилинган.

Талаба-ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида АҚШ ҳуқуқий-педагогик тажрибасидан “street law” (кундалик ҳаёт ҳуқуқи) ижтимоий-педагогик технологияси ўрганилди. Бу ўз ичига кундалик ҳаётда учраб турадиган ҳуқуқий талаб ва таклифларга доир билим олиш тизимини ўз ичига олади. “To be street smart” замонавий интерактив педагогик технологиялардан фойдаланиб, ёшларга амалий ҳуқуқий компетенцияларни ўргатиш, билимларни ҳаётий тажрибага татбиқ этишга асосланади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, юридик клиникаларнинг олий таълим муассасаларида жорий қилиниши талабаларни ҳаётий ҳуқуқий

муаммо ва коллизияларни ечишга ўргатишда самарали восита бўлиб хизмат қилади, деган хулосага келиш мумкин.

Тадқиқотлар натижасида талабалар ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган волонтерликнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқлиги аниқланди:

- “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш” Концепциясини ёшлар орасида тарғиб қилишда волонтерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш;
- ҳуқуқий тажриба ва кўникмаларни шакллантириш, ҳуқуқий маданиятни тарғиб қилишда, маънавий-маърифий ишларнинг оммавий тадбирлар, танловлар, кўргазма ва бошқа шакллари ташкил қилишда ижтимоий ҳамкорликнинг ташкилий методларини такомиллаштириш;
- ёшлар волонтерлик ҳаракатининг ёш истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги иштирокини кенгайтириш;
- ёш ҳуқуқшунос тўғараклари аъзоларини “pro bono” (малакали волонтерлик) даражасига кўтариш учун уларнинг ҳуқуқий билим ва маҳоратларини оширишда кўмаклашиш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Юқоридагиларни инобатга олиб:

– Ёшлар иттифоқи таркибида волонтерликни қўллаб-қувватлаш, уларга ҳуқуқ ва эркинлик берувчи ҳамда ёш жамоатчиларни бирлаштирувчи уюшма ташкил этиш;

– волонтер ёшлар фаолиятини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш;

– волонтерлик ҳаракатини Халқаро волонтерлик ассоциацияси (IAVE), БМТнинг Жамоатчилик программаси (UNV), Волонтерлик Европа Маркази (CEV) ва бошқа шу каби ташкилотлар билан ҳамкорлигини таъминлашга қаратилган илмий-методик қўлланмалар ишлаб чиқиш тавсия этилади.

Диссертациянинг **“Талаба-ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишнинг технологик масалалари”** деб номланган учинчи бобида талаба-ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини маънавий-маърифий ишларни янги технологиялар асосида такомиллаштириш йўналишлари, талаба ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш модели ва ўтказилган тажриба-синов ишлари натижалари таҳлил қилинади.

Тажриба-синов ишларида 480 нафар талаба иштирок этди.

Талабалар орасида уларнинг шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўрганишга қаратилган ҳуқуқий-педагогик сўровлар натижалари қуйидаги эмпирик натижаларни қайд этди (1-жадвал).

1-жадвал.

“Сиз ўзингизнинг шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятларингизни биласизми?” сўрови юзасидан респондентлардан олинган жавоблар таҳлили (n=480)

№	Вариантлар	Иштирокчилар сони n=480	Жавоблар %
1	Ҳа	n=153	31,9 %
2	Йўқ	n=284	59,2 %
3	Айтолмайман	n=43	8,9 %
	Σ=	480	100 %

Олинган натижалар таҳлилига асосан тадқиқотда иштирок этган респондент талабаларнинг ўз шахсий ва сиёсий ҳуқуқларини билиш даражаси ўрганилди. Яъни талабаларнинг ўз ҳуқуқий мажбуриятларини қай даражада билишларини ўрганишга доир саволларга жавоблар амалдаги ҳуқуқий-маърифий ишларнинг технологик таъминотидаги муаммоларни ўрганиш имкониятини яратиб берди. (2-жадвал).

2-жадвал.

“Сиз ўз шахсий ва сиёсий ҳуқуқ ва мажбуриятларингизни биласизми? сўрови юзасидан респондентлардан олинган жавоблар таҳлили (n=480)

№	Вариантлар	Иштирокчилар сони n=480	Жавоблар %
1	Ўз шахсий, сиёсий ҳуқуқ ва мажбуриятларини яхши билади	n=149	30,8 %
2	Ўз шахсий, сиёсий ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўртача билади	n=249	52,3 %
3	Ўз шахсий, сиёсий ҳуқуқ ва мажбуриятларини билмайди.	n=82	16,9 %
	$\Sigma=$	480	100 %

Мазкур натижалар талабаларнинг шахсий ва сиёсий ҳуқуқларини билиш даражасини кўтариш учун олий таълим муассасалари маънавий-маърифий ишлар мазмунини талабаларнинг ушбу соҳаларга оид билимларини оширишга қаратилган суҳбатлар уюштириш, тарғибот ташвиқотда ҳаётий мисоллардан фойдаланиш лозимлигини кўрсатди.

Тадқиқотимизда иштирок этган респондентларнинг 52% ни талаба-қизлар, 48%ни талаба йигитлар ташкил этди. Талаба-қизлар ҳуқуқий маданиятини баҳолаш учун проектив вазиятларни акс эттирувчи саволлар ишлаб чиқилди. Жумладан, “Ҳомиладор ёки ёш боласи бор аёлни ишга қабул қилишда рад жавоби берилди. Бу аёл ўзини қандай ҳимоя қила олади?” - деган вазиятли саволи берилганида қуйидаги жавоблар олинди (3-жадвал).


3-жадвал.

“Ҳомиладор ёки ёш боласи бор аёлни ишга қабул қилишда рад жавоби берилди. Бу аёл ўзини қандай ҳимоя қила олади?” - деган проектив вазият юзасидан қиз-респондентларнинг жавоблари натижалари (n=249)

№	Вариантлар	Иштирокчилар сони n=249	Жавоблар %
1	Ҳеч нарса қила олмайди	n=119	47,8%
2	Рад жавоб сабабларини маълум қилишни талаб этади	n=74	30,2%
4	Судга даъво билан мурожаат қилади	n=23	9 %
5	Жавоб бермаганлар	n=33	13%
	$\Sigma=$	249	100 %

Жавоблар таҳлилидан маълум бўладики, сўралган талаба-қизларнинг 60,8%и бундай вазиятда ўзларининг ҳуқуқий жиҳатдан қандай ҳаракат қилишларини аниқ билмайди. Бу эса, тадбирларда уларнинг меҳнат ҳуқуқига оид билимларини оширишга алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади.

Талабаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўрганиш бўйича қатнашган 480 нафар талаба орасида ўтказилган сўровлар натижасида шу нарса маълум бўлдики, сўровларда қатнашган талабаларнинг 89 нафари (18,5%и) ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини яхши билади, 168 нафар талаба (35,1%) ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини қониқарли даражада билади, қолган 223 та (46,4%) талаба эса ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини қониқарсиз даражада билади.



1-расм. Талаба-ёшлар ҳуқуқий маданиятининг шаклланганлик даражаси.

Талаба-ёшларда ҳуқуқий маданиятнинг паст даражаси қонунчилик ва ҳуқуқни, уларнинг жамият ҳаётидаги ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий аҳамиятини билмасликни, асосий ҳуқуқий тушунчалардан фойдаланмаслик, шунингдек, аниқ бир вазиятни таҳлил этганда ҳуқуқий муаммони илғай олмаслик, ўз ҳуқуқий ҳатти-ҳаракатлари ҳамда ҳаётда учраётган ҳуқуқий вазиятларни баҳолаш кўникмалари ривожланмаганлигини ўз ичига олади.

Ҳуқуқий маданиятнинг ўрта даражаси ҳуқуқ ва қонунчиликни, уларнинг жамият ҳаётидаги ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий аҳамиятини етарли билиш ва тушунишни, ҳуқуқий манбаларни батафсил билишни, фуқаролик жамиятини шакллантиришда ҳуқуқнинг аҳамиятини англашни, аниқ вазиятни таҳлил қилганда ҳуқуқий масалани аниқлай олишни, ҳуқуқий ҳулққа эга бўлишга интилишни назарда тутди.

Ҳуқуқий маданиятнинг юқори даражаси қонунчилик ва ҳуқуқни, уларнинг жамият ҳаётидаги ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий аҳамиятини тўлиқ билиш ва тушунишни, ҳуқуқий манбаларни батафсил билишни, ўз ҳуқуқий ҳатти-ҳаракатларидан қониқишни ҳис қилишни; фуқаролик жамиятини шакллантиришда ҳуқуқнинг аҳамиятини англашни, шунингдек, вазиятни таҳлил қилганда ҳуқуқий масалани аниқлашни, ҳуқуқий муаммоли вазиятларни ечишнинг йўллари ишлаб чиқиш ва асослашни, самарали

ҳуқуқий ечимни топа билишни, олинган ҳуқуқий билим ва кўникмаларни кундалик ҳаётда фаол ишлата олишни назарда тутди.


Маънавий-маърифий ишларнинг янги технологик воситалари орқали талаба-ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш муаммоларининг назарий таҳлили натижалари асосида талаба-ёшлар ҳуқуқий маданиятини оширишнинг маънавий-маърифий технологик модели (ММТМ) ишлаб чиқилди. Ушбу модель асосида олий таълим муассасалари маънавий-маърифий ишлари жараёнида тажриба синовлар ўтказилди (2-расм).

Модель ва унинг мақсад, вазифалари “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш” Концепцияси асосида ишлаб чиқилди. Модель асосида шу пайтгача олий таълим муассасаларида учраётган муаммо – ҳуқуқий маданиятни тарбиялашнинг оммавий шаклига устуворлик берилиб, гуруҳли ва индивидуал шакллариининг эътиборсиз қолишига барҳам бериш кўзда тутилди ва бу алоҳида қайд қилинди. Моделда маънавий-маърифий ишларнинг интерактив ҳуқуқий-педагогик технологиялари (“legal clinic, “Street law, НМВ) асосида талаба-ёшлар ҳуқуқий маданиятини оширишни модернизациялаштириш, янги технологиялар орқали талаба ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришга қаратилган “Ҳуқуқий маданият – келажакка йўл” педагогик дастурининг ўрни белгилаб берилди.

Талаба-ёшлар ҳуқуқий маданиятини оширишнинг маънавий-маърифий технологик моделини амалга оширишда талабаларнинг бўлажак касб соҳалари хусусиятларини ҳисобга олиш, талабанинг кундалик фаолиятига мақсадга мувофиқ ва доимий таъсир этишни амалга ошириш, маънавий-маърифий ишларда янги технологияларидан фойдаланиш, ҳуқуқий билим ва таълим жараёнига хизмат қиладиган ижобий ижтимоий-маънавий муҳитни яратиш, олий таълим муассасаларида “Юридик клиника” ҳуқуқ маслаҳатхоналарини ташкил қилиш, ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга оид тўғараклар, учрашувларни мунтазам ўтказиб бориш талаблари мужассам этиб белгилаб берилди.

Талаба-ёшлар ҳуқуқий маданиятини ошириш йилма-йил амалга ошириладиган цикли жараёндир. Шу боис моделда ҳар ўқув йили якунидан келиб чиқиб, янги, такомиллашган тарбиявий мақсад ва вазифалар белгиланиб, амалга оширилади. Ушбу назарий ва процессуал талаблар асосида мазкур модель талаба-ёшларнинг ҳуқуқий маданиятининг ошганлиги ҳамда ҳуқуқий таълим ва тарбия жараёнида янги технологик воситаларининг аниқ ҳолатини кўрсатишга ва такомиллаштиришга хизмат қилди.


Маънавий-маърифий ишларнинг интерактив ҳуқуқий-педагогик технологиялари “legal clinic” (Юридик клиника), “Street law” (Жонли ҳуқуқ), НМВ (Ҳуқуқий маданият волонтерлари) асосида ҳуқуқий тарбия жараёнини модернизациялаштириш, янги технологиялар орқали талаба-ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган “Ҳуқуқий маданият – келажакка йўл” экспериментал педагогик дастури олий таълим муассасалари талабаларининг тажриба гуруҳларида жорий қилинди.



2-расм. Талаба-ёшлар ҳуқуқий маданиятини оширишнинг маънавий-маърифий технологик модели (ММТМ).

Тажриба-синов ишлари доирасида ишлаб чиқилган янги ишланмалар, технологиялар, ўқув-методик материаллар, мақсадли маънавий-маърифий дастурларнинг жорий қилинишидан олдинги жорий ҳолат даражасини ўрганиш мақсадида ўтказилган ўрганишлар тажриба ва назорат гуруҳларида мавжуд реал ҳолатни қайд қилиш имконини берди.

Тажриба ва назорат гуруҳи иштирокчиларнинг ҳуқуқий маданияти даражаларининг дастлабки ҳолда қуйидагича намоён бўлди (3-расм).



3-расм. Тажириба ва назорат гуруҳларида талабалар ҳуқуқий маданиятнинг дастлабки ҳолати.

Икки гуруҳга ажратилган, яъни тажириба гуруҳи ва назорат гуруҳи, иштирокчиларнинг ҳуқуқий маданиятини шаклланганлиги даражасидаги ўзгаришларни таққослаймиз:

Кўрсаткичларни фоизларда ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланамиз. Ҳар бир талабанинг ўзлаштириш коэффиценти фоизларда

$$K = \frac{J}{Q} \cdot 100\% \text{ формула орқали топилади.} \quad (1)$$

Бу ерда J – ўтказилган сўровномада берилган тўғри жавоблар сони; Q – талабаларнинг умумий сони (4-жадвал).

4-жадвал.

Респондентларнинг тажириба ва назорат гуруҳларидаги эмпирик натижалар

№	Гуруҳлар		Тажириба	Назорат
	Баҳо			
1	Юқори		$K_1 = \frac{39}{240} \cdot 100\% = 16,25\%$	$K_2 = \frac{37}{240} \cdot 100\% = 15,41\%$
2	Ўрта		$K_1 = \frac{102}{240} \cdot 100\% = 42,5\%$	$K_2 = \frac{99}{240} \cdot 100\% = 41,2\%$
3	Паст		$K_1 = \frac{99}{240} \cdot 100\% = 41,2\%$	$K_2 = \frac{104}{240} \cdot 100\% = 43,3\%$

Олинган қийматлар асосида Стюдент-Фишер критериясини қўллаб математик-статистик таҳлил қилинди.

Тажириба ва назорат гуруҳдаги баҳолаш натижаларини мос равишда 1 ва 2- танланмалар деб олсак, қуйидаги вариацион қаторларга эга бўламиз.

1-танланма X_i : юқори; ўрта; паст;
(тажириба гуруҳи) n_i : 39; 102; 99;
 $m=240$

2-танланма Y_j юқори; ўрта; паст;
(назорат гуруҳи) n_j 37; 99; 104;

Диаграммада қайд этилган графикларидан англанадики, тажриба ва назорат гуруҳлари учун танланма модал қийматлари мос равишда $M_T = 5$ ва $M_H = 3$, яъни улар орасидаги фарқ етарли даражада бўлиб, $M_T > M_H$ экан. Бу эса, ўз навбатида, бу танланмалар учун мос ўрта қийматлар ҳам $X > Y$ шартни қаноатлантиришини олдиндан кўрсатади. Уларни қуйидаги формула асосида ҳисоблаймиз:

$$\bar{X} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^{n=3} n_i x_i = \frac{1}{240} (39 \cdot 5 + 102 \cdot 4 + 99 \cdot 3) = \frac{1}{240} (195 + 408 + 297) = \frac{900}{240} = 3,75$$

$$\bar{Y} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^{n=3} n_i y_i = \frac{1}{240} (37 \cdot 5 + 99 \cdot 4 + 104 \cdot 3) = \frac{1}{240} (185 + 396 + 312) = \frac{893}{240} = 3,72$$


Демак, тажриба гуруҳида ўртача ўзлаштириш назорат гуруҳидаги билан бир хил экан: $X = Y$. Агар мос ўрта қийматларда тажриба гуруҳининг ўртача ўзлаштириши назорат гуруҳининг ўртача ўзлаштириши билан бир хил бўлса, самарадорликка эришилмайди.

Тажриба сўнгидаги таҳлил натижаларининг қиёсий умумий кўриниши қуйидагича кўрсаткичларни ҳосил қилди (4-расм).

Юқоридагидаги диаграммада қайд этилган графиклар $X > Y$ шартни қаноатлантиришини олдиндан кўрсатади, ва уни қуйидаги формула асосида ҳисоблаймиз:

$$\bar{X} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^{n=3} n_i x_i = \frac{1}{240} (139 \cdot 5 + 81 \cdot 4 + 20 \cdot 3) = \frac{1}{240} (695 + 324 + 60) = \frac{1079}{240} = 4,49$$

$$\bar{Y} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^{n=3} n_i y_i = \frac{1}{240} (44 \cdot 5 + 97 \cdot 4 + 99 \cdot 3) = \frac{1}{240} (220 + 388 + 297) = \frac{905}{240} = 3,77$$



4-расм. Тажриба синов ишлари якунида қайд қилинган қиёсий кўрсаткичлар.


Демак, тажриба гуруҳида ўртача ўзлаштириш назорат гуруҳидагидан катта экан: $X > Y$

$$\bar{Y} - t_\gamma \cdot \frac{D_n}{\sqrt{n}} \leq a_y \leq \bar{Y} + t_\gamma \cdot \frac{D_n}{\sqrt{n}}$$

$$3,77 - 0,056 \leq a_y \leq 3,77 + 0,056$$

$$3,71 \leq a_y \leq 3,82$$

Буни геометрик тасвирласак:



Бундан $x=0,05$ қийматдорлик даражаси билан айтиш мумкинки, тажриба гуруҳида ўртача баҳо назорат гуруҳидаги ўртача баҳодан юқори ва оралик интерваллари устма-уст тушмаяпти. Демак, математик-статистик таҳлилга асосан, яхши натижага эришилгани маълум бўлди.

Юқоридаги натижаларга асосланиб тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаймиз.

Бизга маълум $\bar{X}=4,49$; $\bar{Y}=3,77$; $\Delta_m = 0,044$; $\Delta_n = 0,056$ га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{yco} = \frac{(\bar{X} - \Delta_m)}{(\bar{Y} + \Delta_n)} = \frac{4,49 - 0,044}{3,77 + 0,056} = \frac{4,44}{3,71} = 1,19 > 1.;$$

$$K_{oob} = (\bar{X} - \Delta_m) - (\bar{Y} - \Delta_n) = (4,49 - 0,044) - (3,77 - 0,056) = 4,44 - 3,71 = 0,73 > 0.$$

Юқоридаги натижаларга асосланиб, тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаганда талабаларда ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан юқори эканлиги кўринади. Демак, талаба-ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда олий таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларда янги технологиялардан фойдаланиш бўйича ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадор экан.

ХУЛОСА

1. Глобаллашув шароитида халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларга, тилига, динига, руҳиятига асосланган ҳуқуқий маданият билан боғлиқ маънавий фазилатларни ёшлар онгига сингдириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Шунинг учун ҳам талаба-ёшларни “Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари” ғояси асосида мустақиллигимиз йўлида фидокорона меҳнат қилишга йўналтирадиган ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш ҳаётий заруратдир.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Концепцияси” тасдиқланган Фармонида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан биз томонимиздан ишлаб чиқилган “Ҳуқуқий маданият - келажакка йўл” комплекс маърифий дастури талаба-ёшларда ҳуқуқий саводхонлик, мустаҳкам ирода, ўз ҳуқуқларини билиш ва қонунларни ҳурмат қиладиган, ҳуқуқий билимларини кундалик ҳаётда қўллай оладиган, фаол фуқаролик позицияси ва ҳуқуқбузарликка нисбатан муросасиз муносабатни тарбиялашнинг технологик воситаси бўлиб хизмат қилади.

3. Талаба-ёшлар ҳуқуқий маданиятини оширишда биз томонимиздан модификацияланган “legal clinic, “Street law”, НМВ каби замонавий интерактив ҳуқуқий-педагогик технологияларнинг қўлланишини натижаларининг самарадорлиги юқори эканлиги ўз тасдиғини топди.

4. Тадқиқотимиз давомида ишлаб чиқилган ҳуқуқий маданиятни оширишнинг такомиллашган маънавий-маърифий технологик модели талаба-ёшларда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият ва фаол фуқаролик позициясини янада юксалишига ижобий таъсир кўрсатиши тасдиқланди.

5. Талаба-ёшлар ҳуқуқий маданиятини оширишда “pro bono” (малакали волонтерлик) тўғараклари аъзоларини “мақсадли тарғибот”, “манзилли тарғибот”, “ижтимоий ҳамкорлик”, “ёш истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш”, “индивидуал профилактика” каби волонтерлик йўналишларини ва маънавий-маърифий ишларнинг вазифаларига айлантириш орқали ижобий натижага эришиш мумкинлиги аниқланди.

6. Олий таълим муассасаларида “Юридик клиника” ҳуқуқ маслаҳатхоналар ташкил қилиниши, ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга оид тўғараклар, учрашувларни мунтазам ўтказиб бориш, талаба ёшлар ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятларга оид нормалар ҳуқуқий тарғиботини кучайтириш ва интерактив ҳуқуқий тарбиявий ролли ўйинлар ишлаб чиқиш мазкур масала билан боғлиқ ишлар натижадорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

7. Олий таълим муассасаларида талаба-ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича маънавий-маърифий ишларда замонавий технологияларни қўллашга доир олиб борилган тажриба-синов ишлари натижасида назарий билимларнинг амалиёт жараёнида мустаҳкамланганлиги, танланган методиканинг тўғрилиги ва белгиланган фаразнинг ҳаққонийлигини тасдиқлади.

ТАВСИЯЛАР

Олий таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларнинг янги технологияларини модификациялаш орқали талаба ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш жараёнини модернизациялаш;

“Юридик клиника” ҳуқуқий клубини ташкил этиш ва маънавий-маърифий ишларни янги технологиялар орқали талаба ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришга қаратилган ижтимоий-педагогик фаолиятни йўлга қўйиш;

олий таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишлар жараёнида талаба ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда инсонпарварлик, қизиқарлилик, ихтиёрийлик, ёш ва индивидуал хусусиятларни ҳисобга олиш, фаолиятда тарбиялаш, илмийлик, очиқлик, ҳаёт билан боғлиқлик, педагогик башорат қилиш, тизимлилик тамойилларига таяниш;

олий таълим муассасаларида ҳар олти ойда бир марта талаба-ёшларнинг ҳуқуқий маданияти ҳолати мониторинги натижаларини таҳлил этиб, такомиллаштириш чораларини кўриб бориш мақсадга мувофиқдир.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
PhD.03/.30.01.2020.Ped.02.06 ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ ЦЕНТР ДУХОВНОСТИ И
ПРОСВЕТИТЕЛЬСТВА**

ПИРНАЗАРОВ ГУЛОМЖОН НУРБОБОВИЧ

**СОВРЕМЕННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ ПОВЫШЕНИЯ ПРАВОВОЙ
КУЛЬТУРЫ СТУДЕНЧЕСКОЙ МОЛОДЁЖИ (на примере системы
духовно-просветительской работы высших образовательных
учреждений)**

13.00.01 – Педагогическая теория. История педагогических учений.

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Самарканд - 2021

Subject of the thesis of PhD of pedagogic sciences is registered with the Higher Certification Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan with reference № B2017.3. PhD/ Ped277.

This thesis is prepared in Republican Center of Spirituality and Enlightenment.

This thesis summary is prepared in three languages (Uzbek, Russian, English (summary)) and uploaded to website of Science Council (www.samdu.uz) and «Ziyonet» information-education portal (www.ziyonet.uz).

Scientific supervisor:

Kuronov Mahamadjon
Doctor of Pedagogical Sciences, professor

Official opponents:

Olimov Shirinboy Sharopovich
Doctor of Pedagogical Sciences, professor

Askarov Abror Davlatmirzaevich
Philosophy Doctor of Pedagogical Sciences,
Associate professor

Lead organization:


Navoi State University of Pedagogy


This thesis defense will be taking place on "9" ~~avqust~~ 2021 at 10⁰⁰ at Science Council meeting Ref: PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 at Samarkand State University, Council building (address: 140104, Samarkand, University square, 27. Tel: (99866) 239-13-87; Fax: (99866) 239-12-29, email: samdu@ped_kengash@umail.uz)


The dissertation can be found in the Information Resource Center of Samarkand State University (registered № 38). (Address: 140104, Samarkand, University Boulevard Avenue, 15 Tel.: (0366) 239-11-51).

The abstract of the dissertation was distributed on "28" July 2021.
(Protocol of the register № 3 dated "28" July 2021).




H.I. Ibraimov
Chairman of Academic Award Science Council
Doctor of Pedagogical Sciences, Professor


Sh.R. Urakov
Scientific Secretary of Academic Award
Science Council PhD in Pedagogical Sciences,
Associate professor


N.Sh. Shodiev
Chairman on Scientific seminar at Academic
Award Science Council Doctor of
Pedagogical Sciences, Professor

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. В настоящее время, когда в мировом масштабе всё более усиливаются глобализация, конкуренция и социально-правовые конфликты вследствие их мутации, в качестве приоритетной задачи выдвигается подготовка специалистов, которые хорошо знают свои права, свободы и обязанности, обладают высокой правовой культурой, активной гражданской позицией, а также совестливо подходят к своим обязанностям. В частности, внимание, которое обращается в образовательных учреждениях развитых государств на повышение правовой культуры студенческой молодёжи, показывает необходимость уделения серьёзного внимания на эффективное использование современных технологий в правовом педагогическом образовании и духовно-просветительских работах.

В мировой науке ведутся начуно-теоретические и фундаментальные работы, направленные на повышение правовой культуры населения, особенно студенческой молодёжи. В частности, приобретают важное значение исследование методологических основ, анализа педагогически действенных методов, форм и факторов правовой культуры, а также действенных механизмов формирования правового сознания и правовой осведомлённости, формирования идеологического иммунитета. Вместе с тем, возникает необходимость, опираясь на передовой зарубежный опыт, в проведении научных исследований, направленных на анализ развития духовно-просветительских работ в соответствии с достижениями науки и техники, особенно, совершенствование современных технологий повышения правовой культуры студенческой молодёжи.

Исходя из того, что молодёжь составляет более 60 процентов населения, в нашей стране осуществляется ряд целенаправленных мер по реализации государственной молодёжной политики и правовой защите интересов молодёжи. В Концепции Республики Узбекистан повышения правовой культуры в обществе определены такие важные задачи как “повышение правосознания и правовой культуры в обществе с особым вниманием, прежде всего, к осуществлению системной и взаимосвязанной образовательно-воспитательной работы, глубокое утверждение правосознания и правовой культуры во всех слоях населения, начиная с системы дошкольного образования, широкую пропаганду **идеи сохранения баланса личных и общественных интересов**”¹. Это требует в повышении правовой культуры студенческой молодёжи в высших образовательных учреждениях научно-теоретического исследования механизмов разработки новых, современных действенных технологий, модернизации и совершенствования духовно-просветительских работ.

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит реализации задач, намеченных в Указах Президента Республики Узбекистан

¹ Из Указа Президента Республики Узбекистан от 9 января 2019 года №УП-5618 “О коренном совершенствовании системы повышения правосознания и правовой культуры в обществе”.

от 7 февраля 2017 года №УП-4947 “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”, от 9 января 2019 года №УП-5618 “О коренном совершенствовании системы повышения правосознания и правовой культуры в обществе”, постановлениях Президента Республики Узбекистан от 28 июля 2017 года №ПП-3160 “О поднятии на новый уровень повышения эффективности духовно-просветительской работы и развития сферы”, от 3 мая 2019 года №ПП-4307 “О дополнительных мерах по повышению эффективности духовно-просветительской работы”, а также постановлениях Кабинета Министров Республики Узбекистан от 17 сентября 2018 года №736 «О мерах по повышению эффективности духовно-просветительской работы в системе образования» и от 31 декабря 2019 года №1059 «О мерах по реализации и утверждения концепции непрерывного духовного воспитания», а также других нормативно-правовых документах по данной теме.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и техники Республики Узбекистан. Диссертация выполнена в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики I. «Социальное, правовое, экономическое, культурное, духовно-нравственное развитие информационного и демократического общества, развитие инновационной экономики».

Уровень изученности проблемы. В исследованиях таких учёных-педагогов как З.Азимова, Г.Ибрагимова, З.Хожагелдиева, З.Косимова, З.Солиева, З.Исмоилова, М.Куронова, Н.Эгамбердиева, О.Мусурмонова, Ш.Курбонов, М.Махмутова, Б.Ходжаев, Х.Ибрагимов, Ш.Абдуллаева, Ш.Акрамова, К.Шоназаров исследованы научные вопросы духовно-нравственного воспитания учащихся, студенческой молодёжи, формирования в них свойственных развитому человеку духовной культуры, идеологического иммунитета, повышения эффективности образовательно-воспитательных процессов в высших образовательных учреждениях.

По правовому и философскому направлению вопроса научные исследования проведены такими учёными, как С.Абдухаликов, Ш.О.Мамадалиев, К.В.Джавакова, Ф.А.Мусаев, Ф.Х.Кучкарова, Т.Ш.Нуриддинова, Х.Н.Туйчиева, М.М.Кахарова, Ж.Ж.Яхшилик и другие.

Некоторые аспекты повышения правовой культуры молодёжи изучены такими учёными-правоведами, как Э.Абзалов, Н.Вахобов, Д.Дехконова, Х.Закиров, З.Исломов, И.Кудрявцев, З.Мадалиева, Х.Маматов, О.Насриддинова, Х.Одилқориев, Ё.Садикова, У.Тожихонов, Н.Сайдалиходжаева, Р.Турдибоева, А.Хамраев, Ш.Якубов.

Проблема изучена также в научных работах таких зарубежных учёных-правоведов как Е.Аграновская, Р.Байниязов, Н.Вопленко, О.Демко, Ю.Дмитриев, Н.Кейзеров, А.Малько, Н.Матузов, В.Сальников, А. Вейл, Д. Истон, Дж. Деннис, С.Палонский, Дж. Пиаже, Дж.Кевин, Дж.Торни-Пурта, С.Стивенсон, Л.Матвеев, Г.Матвеев и другие.

Анализ научных работ по проблеме показал, что в этих работах не проведены социально-педагогические исследования по проектированию

воспитательных задач, направленных на эффективную организацию деятельности духовно-просветительских работ в повышении правовой культуры студенческой молодёжи, применению современных технологий и изучению правовой культуры студенческой молодёжи как компетенции личности, что определяет необходимость проведения научных изысканий в данном направлении.

Связь темы диссертационного исследования с научно-исследовательскими работами высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках рассчитанного на 2016-2019 годы фундаментального проекта №ПЗ-20170930383 на тему “Совершенствование идейно-идеологических механизмов повышения гражданской позиции и правовой культуры в обществе, особенно, у молодёжи” плана научно-исследовательских работ Республиканского центра духовности и просветительства.

